

ГУЛАСАЛ ИСМОНОВА

СОФИНЧИМ УЛГАЯР ДИЛИМДА

Шеърлар




Ташкент
«Янги аср авлоди»
2005

Гуласал Исмонова ҳали лицей ўкувчиси. У ҳали изланиш, ҳаётда ўз ўрнини толши жараёнини бошдан кечирмақда. Юрагига тинчлик бермаётган фикру-хәёлларини шеър тилига айтишини ният қилган. Ёш шоира нималаргагидир эришган, гоҳо кўнгилдагини мисраларда шфодаланишига қийналаётпир, лекин бу йўлда ѡеч ким шукланаслиги, изланишдан толмаслиги керак, чунки шеъриятда машағотларсиз иш биттмайди. Устозлар мерасини тинмай ўқиб-ўрганиш, яхшилардан ибрат олиш, мисраларга эринмай сайқал бериш, омақ калити эканлигини англатан кишигини бу йўлда ниятига эришади. Мен унга бу эзгуликка элтувчи йўлда омаглар ёр бўлишини тилайман.

Зулфия Мўминова,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмасининг аъзоси,
шоира

31925
ID 091



ISBN 5-633-01799-4

© Гуласал Исмонова. «Соринчим улгаяр дилимда».
«Янги аср авлоди», 2005 йил

БОЛАЛИКНИ ҚҮМСАБ

Агар имкон бұлсайди олис
Болаликка жон деб қайтардим.
Шамолларга тутыб күксимни,
Қир бағрида қүшиқ айттардим.
Афсус орзу қылганим рүё,
Йиллар менга қайрилиб боқмас.
Умр деганлари дунёда,
Дарё каби ортига оқмас.
Ез ўрнини згаллайди куз,
Келаверар қищдан сүңг баҳор.
Лекия менинг болалигим-чи?
Баҳор каби келмайди такрор.
Күз ўнгимдан кетмайди сира,
Үйнаб юрган дала, борларим,
Қандай яхши эди ўшанда!
Пок, берубор шодон кунларим.
Узр менинг ўйинчоқдарим,
Энди сизни ўйнасан, уят.
Хафа бўлманг фарзандларимга,
Сизни асраб қўяман албат.



СИНГЛИМ ГУЛАНДОНГА

Бобур, Чўлпонлар юрти беназир Андижонда,
Бир қиз дунёга келди шундай гўзал маконда.
Волидаси Ҳалима, Туррунбойдир падари,
Чақалоқнинг исмини Гуландон деб атади.

Бир ўрил , тўрт парининг тўртингчиси бўлади,
Гар табассум айласа дунё нурга тўлади.
Улрайиб ўн олтига тўлди бугун Гуландон,
Тиллари бурро, асал, сўзлари моҳитобон.

Алплар каби шиҷоати, йигитлардек журъати,
Зилол сувдай шаффоф эрур ҳам сийрати, суврати.
Бир кун келиб ҳалқимга содик фарзанд бўлажак,
Билиб қўйгин синглим, сендан умидвордир келажак.

БАҲОР

Яна водийларга чорлайди баҳор,
Төрларда очилар гулу лолалар.
Яна шошинқираб оқади анжор,
Энди гавжум бўлар ҳар кун далалар.

Энг аввал оқ либос кийди бодомлар,
Сўнг ўрик гуллади мисли келинчак.
Ғанимат бўлади бир кун бу дамлар,
Дея бош кўтарди ҳаттоқи печак.

Қуёш ҳам фалақда нурларин сочар,
Кундан-кун қиздирар бутун оламни.
Табиат бизларга бағрини очар,
Интизор кутгандай шу улур дамни.

Баҳорни дейдилар уйғониш фасли,
Гўзаллик бобида ўхшар малакка.
Гўё муҳаббатдан яралган асли,
Оҳиста сингиган ҳар бир юракка.

Баҳор сени кутдик, кўзлар бўлиб зор
Мана етиб келдинг ўзбек элига.
Сенга атаб ёзган разалларим бор,
Кел, илҳом багишила хушнуд дилимга.

Сен келиб, гулларга тўлди бу олам,
Чин дилдан чалгайман энди созимни.
Сени қўшигимда куйтайман баҳор,
Бир тинглаб кўргин-чи шўх овозимни.

СОФИНЧ

Сизларни тобора құмсаиди юрак,
Айрилиқ күнларим дард бўлса керак.
Қалбим ҳам талпинар сизга, сиз томон,
Софингим улгаяр дилимда ҳамон.
Ўртаниб қалқийди кўзда ёшларим,
Сизларни соғиндим, синфдошларим.

Судбатлар қурибмиз давралар қайноқ,
Мактабда юрардик шодон ва қувноқ.
Билмасдиқда ҳали аччиқ ғамларни,
Пайқамай қолибмиз ўтган дамларни.
Софинг ўртамоқда эй тенгдошларим,
Сизларни соғиндим, синфдошларим.

Юрагим айтади дўстларингга бор,
Уларни қўриб кел дея қистайди.
Айтарларки: Дўсти кўпга омад ёр,
Дил сизни баҳтиёр кўрмоқ истайди.
Сизга сўзим кўпдир, йўқ бардошларим,
Сизларни соғиндим, синфдошларим.

ХАЙР СИНФДОШИМ

Теккан тегиб тегмаганнинг,
Ортидан тош отардик.
Устозларни майна қилиб,
Роса қулиб қотардик.
Юрап эдик дарсдан қочиб,
Кезар эдик күчалар.
Нетай қисмат бизни айриб,
Барчамиздан ўч олар.

Мана бугун янграғомоқда,
Хайёт сўнгти қўнғироқ.
Сўнгти деган сўзнинг ўзи,
Қалбимга солар фироқ.
Юракларда ўзгача ҳис,
Ўзгача бир ҳаяжон.
Қўнгилларчи гоҳи ғамгин.
Гоҳида эса шодон.

Мұҳаббатнинг нашидаси,
Забт этганди жисмимни.
Синфдошим билагига
Ёзган эди исмимни.
Орзумиз бошқа-бошқа,
Айро тушди йўлимиз.
Шу кунгача бирга эдик,
Узилишди қўлимиз.

Дам қувишиб, дам кулишиб,
Юрап эдик у дамлар.
Қадрингизга етмабман мен,
Қалбим тирнар аламлар.
Урушсамда, койисамда,
Нолимас партадошим.
Мени кечир, хайр, энди
Азизим, синфдошим.



ОНАМГА МАКТУБ

Аста қалам олдим қўлимга
Негадир кўзларим ёшланди.
Дилдаги соринчлар зарбидан,
Мактубим шундайин бошланди.

Аҳволингиз яхшими ойи,
Омонмилар дадажонимиз?
Жиянларим ўйнамоқдами,
Тўлдиришиб хонадонимиз?

Қариликни бўйнига олмай,
Ҳамон бувам тинмаёттандир.
Совуқ чойи, кетмони билан,
Шудгоридан чиқмаёттандир.

Келин ойим, акам, опамлар,
Сингилларим юришибдими.
Сизга ёзган мактубларимни,
Бирга ўқиб туришибдими.

Менга деган гилосларингиз,
Шигиллатиб роса солгандир.
Ё шумтака жиянларимдан.
Шохларини ўзи қолгандир.

Каминанинг сорликлари зўр,
Хавотирга тушманг сира ҳам.
Ўқишлари, ишлари аъло.
Кўнглингизни қилинг хотиржам.

Ўқища кўп дўстлар орттиридим,
Доим бирга аҳил-иноқмиз.
Ҳаммасидан кўра опамдай,
Бўлиб қолди Зебо деган қиз.

Ўқишларим охирлаб қолди.
Тугашига боргум сиз томон,
Кўришгунча хайр азизлар,
Ўзингизни асранг сор-омон.

ОТАМ

Фарзандим ҳеч кимдан кам бўлмасин деб,
Дилида губору, ғам бўлмасин деб,
Бесабаб кўзлари нам бўлмасин деб,
Кўзларига уйқу илмаган отам,
Меҳнатдан толиқиш билмаган отам.

Зум бўлмаса уйда қадри билинган,
Ўзи емай боламга деб илинган,
Бетоб бўлсак юрак-бағри тилинган,
Кунларин тунларга улаган отам,
Дилбандига сорлик тилаган отам.

Сиздан ибрат олиб ўрил-қизингиз,
Мароқла тинглайди айтган сўзингиз,
Бизга ҳар нарсадан азиз ўзингиз,
Ўзингиз таянчим, ўзингиз борим,
Ишончим, қувончим сиз мададкорим.

Бизлар бор бўлгаида, боғон ўзингиз,
Магар карвон бўлсак, сарбон ўзингиз.
Ҳар қандай дардимга дармон ўзингиз,
Тунлари тинмаган бедорим отам,
Ҳам кучим, қудратим, мадорим отам.



УЙҚУЧИ САИД

Соат саккиз бўляпти,
Сайд бўлса уйқуда.
Ҳамма мактабга кетар,
У-чи ухлар беҳуда.
Уйғониб қараса-ки,
Кеч қолибди бечора.
Апил-тапил ювиниб,
Топа олмасди чора,
Ахир айб ўзида,
Турмасмиди эртароқ.
Мактаб томон жўнади,
Сочига тегмай тароқ.
Сайд мактабга етиб,
Эшикни шошиб очди.
Уни кўриб бир бола,
Ажина! — дея қочди.

ДУНЁ

Яхшилардан ёмонинг кўп экан дунё,
Сенга кўнглим очиб эдим, дардим тўкиб.
Менга ғамхўр бўлолмадинг онамдайин.
Яшаяпман дилим сиёҳ руҳим чўкиб.

Ростдан кўра ёлонинг кўп экан дунё
Соддаманда ишонибман дўстман десанг.
Бугун ҳамма орзуларим бўлди рўё,
Қани энди, сен ҳам менинг ғамим есанг.

Савобингдан заволинг кўп экан дунё,
Дашномларинг қўтаролмай юрагим зил.
Одамларни ўхшатибман мен ўзимга,
Аслида-чи, ҳар хил бўлар экан кўнгил.

Бунчалар ҳам қаҳринг қаттиқ экан дунё,
Нечук қулоқ солмагайсан сўзларимга.
Кўз ўнгимда бўлаверар ноҳақликлар,
Шайтон мисол кўринасан кўзларимга.

Бугун барча-барчасидан тўйдим дунё,
Лек шунда ҳам отам дея яшашим шарт.
Менга илинж кўзи билан боқиб турган,
Онам дея, Ватан дея яшашим шарт.



УСТОЗЛАР

Билим бериб бизларга.
Шодон ўғил-қизларга.
Түғриликка йўлловчи
Таъзимдамиз сизларга
Бағри баҳор устозлар!

Шогирдлар қалб қўрида.
Сақланар дил тўрида.
Ҳақиқатни қўлловчи,
Инсонларнинг зўрида
Бағри баҳор устозлар!

Ижодкорлиқдир аҳдим,
Шундадир менинг баҳтим.
Достонларни куйловчи,
Сизгадир ушбу мадҳим
Бағри баҳор устозлар!

УМР

Умр деганлари бир ғунча мисол,
Тез күнде очилиб хазон бўлади.
Сен ундан унумли фойдаланиб қол,
Шунда келажагинг равон бўлади.

Вақтнинг ўтиши ўзингта аён,
Шамс ботмай туриб, кўринар қамар.
Баъзилар сайр этиб юрадир ҳар ён,
Омонат умр ҳам ўтар бесамар.

Ҳар дақиқа, ҳар он, ҳар кун ғанимат,
Уни ўтказайлик зэгу иш қилиб.
Умр биз учун берилган неъмат,
Шуни унутмайлик ўткинчи билиб.



ОДАМСИМОН МАЙМУНАР

Ноңаңыкни күриб күрдим демаслар,
Бир күн борми ұалол луқма емаслар.
Фақат ўзи еса, кийса бас,
Ночорларга ҳадя, әхсон бермаслар.

Онасини зарра ұурмат қилмаслар,
Үгитларни назарита илмаслар.
Нечун улар өдам бўлиб яралган,
Нақот имон деган сўзни билмаслар.

КЕЛИНЧАҚ

Оқ күйлакка бурканиб бугун,
Үз уйингдан кетиб борарсан.
Үзгачадир юзларинг гулагун,
Ёт уига етиб борарсан.

Ота-онанг икки құлларин,
Бирлаштириб очар дуога.
Үтинаман қизим йұлларин,
Еруғ қылгин дея худога.

Янги ҳаёт, янгича дунё,
Дугонажон муборак бўлсин.
Орзуларинг бўлмасин рўё,
Хонадонинг фарзандга тўлсин.

Ҳамроҳ бўлсин сенга саодат,
Ҳамроҳ бўлсин ҳамиша омад.
Бахтингизга кўз тегмасин ҳеч,
Доим бўлинг дейман саломат.

МУСЛИМБЕК ХОТИРАСИГА

Муслимбек укам қайларга кетдинг,
Онангни йирлатиб дил пора этдинг.
Юрмасмидинг бизнинг орамизда,
Сен ўйнаб, кулиб тўйхонамида.


Йиги-сигидан тинмайди онанг,
Хувиллаб қолди беланчак, ҳонанг.
Жарангдор йирғинг, кулиб боқишинг,
Ўтмиш бўлдими бизга ёқишинг.

Йирлаб турилиб, йирлатиб кетдинг,
Сен бу кунларни кўрмайин ўтдинг.
Бизга сенинг исмингтина қолди,
Оллодим сени жисмингни олди.

Сени Яраттан эгам қўлласин,
Жаннат эшиги томон йўлласин.
Кеттан бўлсанг ҳам сени ҳеч қачон.
Унутмагаймиз азиз укажон.

ОЙГУЛГА

Ойгул деган исминг деб,
Мингта жонлар шайланар.
Йигитлар ҳам ҳуснинг деб,
Девонага айланар.
Неча-неча йигитлар,
Сея томон йўллар мактуб.
Кўзлар бўлар интизор,
Мактуб жавобин кутиб.
Сенга хўп ярашади,
Табассум, қизлар нози,
Куйласанг, овозингта
Жўр бўлар дутор сози.
Ошиқу бекарорлар,
Пойингта гул тўшасин,
Севган ёринг баҳодир,
Алломишга ўхласин.



ЮРТИМГА ТАБРИК

Менинг кўзимдаги қароғсан юртим,
Олтин кузимдаги япроқсан юртим.
Зимистон қалбимга зиё улашиб,
Туним ёритувчи чироқсан юртим.

Мен гул бўлганимда сенсан борбоним,
Гар қул бўлганимда ўзинг султоним.
Менга олислардан боқиб тургувчи,
Замин бўлганимда ўзинг осмоним.

Бувим айтиб берган эртагим ўзинг,
Берубор орзуйим, тилагим ўзинг.
Бағримда мен билан бирга яшовчи,
Уриб турган жўшқин юрагим ўзинг.

Бахтдан кулаверсин кўкда қуёшинг,
Доим омон бўлсин азиз юртбошинг.
Жаннатдек беназир Ўзбекистоним
Кутлуғ бўлсин сенинг муборак ёшинг.

МУНДАРИЖА

Болаликни құмсаң	3
Синглім Гуандонга	4
Бағор	5
Софинч	6
Хайр синфдошим	7
Онамга мактуб	8
Отам	9
Үйқучи Сайд	10
Дунё	11
Устозлар	12
Умр	13
Одамсімон маймұнлар	14
Келинчак	15
Мұслимбек хотирасига	16
Ойгулға	17
Юртимга табрик	18

Адабий бадший нацр

ГУЛАСАЛ ИСМОНОВА

СОГИНЧИМ УЛГАЯР ДИЛИМДА

Шеърлар

Мұхаррир Азиз САЙД

Бадиий мұхаррир Бахридин БОЗОРОВ

Техник мұхаррир Елена ДЕМЧЕНКО

Мусақдиқ Наргиза МИНАХМЕДОВА

Компьютерда сағиғаловчи Феруза БОТИРОВА

ИБ № 4097

Босияға 15.11.2005й.да рұксат этилді. Бічими 84x108 1\32.

Босма тобоги 0.625. Шартты босма тобоги 1,05

Адади 500 нұсқа. Буюртма № 266.

Бағызы келишилгандар хада.

«Янги аср авлоди» нацист-матбаса марказыда тайёрланды.

«Шеърлар матбугаты» босмахонасыда босилдды.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.